ОРГАНИЗАЦИЯ ОБЪЕДИНЕННЫХ НАЦИЙ
ПО ВОПРОСАМ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И КУЛЬТУРЫ
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И КУЛЬТУРЫ
КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКИ
ГОСДИРЕКЦИЯ "ОШ-3000" ПРИ ПРАВИТЕЛЬСТВЕ КР
ОШСКАЯ ОБЛАСТНАЯ ГОСАДМИНИСТРАЦИЯ
ОШСКОЕ ОТДЕЛЕНИЕ ИНЖЕНЕРНОЙ АКАДЕМИИ КР
КЫРГЫЗСКО-УЗБЕКСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

Эл аралык илимий конференция
# «Түштүк Кыргызстандын тарыхы, маданияты жана экономикасы»
19-20-май, 2000-жыл

Халқаро илмий конференция
# «Жанубий Қирғизистоннинг тарихи, маданияти ва иқтисоди»
19-20 май, 2000 йил

Международная научная конференция
# «История, культура и экономика юга Кыргызстана»
19-20 мая 2000 года

Ош - 2000

Бернштам А.Н., можно сказать, открыл Кыргызстан древности, до него являвшийся белым пятном. Это был исследователь широкого профиля, с разносторонними интересами археолога, этнографа, историка и др.

Таким образом, заслуга А.Н.Бернштама перед отечественной историей огромна.Многие поставленные им проблемы до сих пор остаются спорными и малоизученными. Но белые пятна истории постепенно восполняются новыми открытиями и исследованиями учеников профессора А.Н.Бернштама после приобретения Кыргызстаном суверенитета.

**Литература:**

1. **Бернштам А.Н. "Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая". М.Л., 1952 /МИА, №26/.**
2. **Бернштам А.Н. Основные этапы истории и культуры Семиречья и Тянь-Шаня. СА.XI.**
3. **Бернштам А.Н. Труды семиреченской археологической экспедиции Чуйской долины. МИА. 14. М.Л. 1950.**
4. **Бернштам А.Н. Источники по истории киргизов XVIII века. Вопросы истории. № 11-12, 1948 г.**

## ЎШ 3000 ТАНТАНАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ

Ник Мегоран (Унив. Кембриджа, Англия)

Бу йил - муққадас Ўш шаҳрининг 3000 йиллик тўйи нишонланади. Ўш аҳолисининг ёшу қариси ушбу тўйга қатнашиш учун тайёргарли кўрмоқда. Мактаб ўқувчисидан тортиб, вилоят ҳокимигача байрамни муносиб кутиб олиш тараддудида. Жумладан, бутун шаҳар бу иш билан машғул.

Бироқ, айтиб ўтиш лозимки, бу жараён баъзи бир рўзномалар тарафидан қаттиқ танқид этилаган. Уларнинг ёзиши бўйича, бу тантананинг беҳуда маблағлар ҳисобига ўтказилиши халқ учун ҳеч қандай нафи йўқ, аксинча, зиён келтиради холос. Ўш минтақасининг улуғ оқини Жолбол ду Алибаев «Манас 1000» тантанаси ҳақида худди ушбу муаммони куйлаган:

Эс акыл менен иш туттпай,
Ээлигип кыргыз шашканда.
Миң жыл ын улуу эпостун,
Майрамдап дүйнө жатканда.

Хўш, бу каби фикрларга нима деб жавоб бериш керак?. Албатта, «Ўш 3000» тантанасини уюштириш учун моддий томондан кўп пул сарфланади. Лекин унинг ўзига яраша ижобий жиҳатлари бор:инсон ўз ватани тарихини билмаса, у ўз аслиятини ҳам англай олмайди. Шу туфайли «ўш 3000» нинг таълим-тарбиявий фойдаси бор. Иккинчидан, бу қийин замоннинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун тарихдан сабоқлар олиниши зарур. Ахир, тарих такрорланувчи дейдилар-ку!. Бизнинг фикримизча, биринчи мавзу ҳақида жуда чуқур изланганлару, иккинчисига унчалик кўп эътибор бермаганлар. Бу ҳар бир олимнинг вазифасидир.Ушбу мақоланинг мақсади Ўш тарихининг бугунги кундаги аҳамиятини англай билиш. Бу мақсадга эришиш учун, Сулаймон тоғини «Ўш 3000» тантанасининг рамзи сифатида белгилаб оламиз.

«Ўш 3000» нинг рамзи - Сулайман тоғи:

Инсониятнинг тарихий ва адабий манбаларига қарасак, тоғлар уч мазмундаги руҳий нарсанинг- эркинлик, иймон ва севгининг рамзи бўлганлигини кўрамиз.

Биринчиси, эркинлик ва хавфсизликка эришмоқ учун тоққа чиқиш ҳар бир одамнинг қонида. Муқаддас Забур китобида «Мен тоо тарапка көз чаптырам, жардам ошол жактан мага келет. Мага жардам асман менен жерди жараткан Теңирден болот» деган сўзлар қайд этилган. Ўшда эса шаҳар шовқин-сурони ва иссиқлигидан толиққан кишиларнинг «Кетдик, тоққа чиқамиз» дегани эшитилади.

Иккинчи рамз иймонга диққатимизни бурсак, улуғ тарихчи Херодот ёзишича, ибтидоий форс диний маросимлари тоғлик, бошқача қилиб айтганда, Худога яқин, ерларда бўлган эди. Ўшнинг зиёрат қилинган тоғи эса, 3000 йиллик жуда бой диний аҳамиятга эгадир.

Тоғда зардуштийлик, бахшилик-жодугарлик, тангричилик, насроний ва исломий динларнинг барчаси мужассам. Насроний ва исломий динларининг ичида турли туман мазҳаблар ва оқимлар бўлган.

Тоғларнинг охирги ифодаланган рамзи - севги. Шерали Жўраев куйлаган, машҳур ўшлик шоир Ғанижон Холматов битган

шеърда Сулаймон тоғи муҳаббатнинг илҳом манбаи сифатида тасвирланади.

Шилдир-шилдир сув оқар Ўш тоғидан,
Кўринади кўзга яқин йироғидан,
Меҳмон бўлиб келган эдим, шайдо бўлдим,
Ўшлик қизнинг ичиб севги булоғидан.

Лекин, афсуски, ошиққа тоғ ғам-андуҳ рамзига айланиб қолган:

Куйлай -куйлай қайтар бўлдим армон билан,
Қалбим қолди Ўшнинг баланд тоғларида.
Меҳмон бўлиб борсин, айтинг, ўшал қизга ,
Мен кутаман гўзал Тошкент боғларида.

Мазкур келтирилган мисоллар шахсий ҳаётига доирдир. Ишончимиз комилки, нафақат шахсий, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун Сулаймон Тоғининг тарихи узун ва кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлганлиги боис жуда кўп сабоқлар ўрганиш мумкин. Энди, Ўшнинг аҳолиси учун икки долрзаб ва мураккаб мавзу: иқтисодий- маиший ва миллий -диний муаммоларга эътибор беришимиз лозим.

1. Иқтисодий ва маиший турмуш муаммолари.

Собиқ СССР парчалангандан кейин, содда халқнинг маиший турмуш даражаси пастга тушди, ҳаётда янги тўсиқлар пайдо бўлди. Жуда кўп оддий кишиларнинг оғзидан «Яшаш қийин, олдин ҳаммаси яхши эди, келажакдан умидим йўқ» деган сўзларни эшитамиз.

Бироқ Сулаймон тоғи гувоҳ бўлган ўтмиш бу фикрнинг нотўғри эканлигини кўрсатади. Ўш гоҳо фаровон, гоҳо қийин даврларни кўрган. Масалан, Фарғона водийсида жойлашган Давон давлатига милоддан аввалги II асрда расмий ташриф билан келган Хитой элчиси Чжан Цяннинг қайд этишича, бу ернинг тараққиёти жуда ривожланган, 70 га яқин шаҳарлари, узумзорлари, қишлоқ хўжалиги ва шарқда машҳур "Арғумоқ" зотли отларини боқиш билан танилган. 9 -асрдан 14-асргача "Ўрта Осиёда Илк Уйғониш даври" да бу минтақа маданий жиҳатдан фалсафа ва адабиёт,моддий жиҳатдан " Буюк Ипак Йўл" даги юришган савдо билан бой ҳисобланган эди. Бироқ, бошқа замонларда, аксинча, Фарғона Водийси иқтисодий

таназзулга учраган ва баъзи вақтларда деярли вайронага айлантирилган. Мисол учун, араблар истилоси ё Чингизхоннинг босқини. Сулаймон тоққа яқин ерда таваллуд топган таниқли оқин Женижок худди шу жараённи, бошқача айтганда, бу дунёнинг фоний эканлигини куйлаган:

| | |
|---|---|
| Жер жүзүндө жайылып, | Асмандан булут кубулуп, |
| Толуп чыккан аккан суу. | Жаан алган аккан суу |
| Жети кабат жер астын, | Өмүр отун тутанып, |
| Жарып чыккан аккан суу. | Жагып чыккан аккан суу. |
| Жер, Ааламдын баарысын | |
| Багып чыккан аккан суу, | |

Унинг кўз қараши бўйича, «Бардыгы өтөт, кыймылсыз эч нерсе жок»[6] Қайси салтанат бўлмасин, Давон,Кушон, Араблар, Қорахонийлар, Мўғуллар, Темурийлар, Қўқон хонлиги, Чор Россияси, СССР каби тузумларнинг ҳаммаси йўқолган, ҳаёт ўзгар-ган. Демак, « Келажакни биламан, умид йўқ» деб ким айта олади?

Ўшликлар учун, тоққа номи берилган Пайғамбар Сулаймон таълимоти чуқур мазмунга эга. Унинг таълимотича, башарият Унга таъзим қилсин деб, Парвардигоримиз атайлаб дунёни шунчалик мавҳум ва мураккаб яратгандир. Буюк пайғамбарнинг Муқаддас Тавротдан олинган парчалари буни тасвирлаб беради:
Бардык нерсе эмгекте: адам баарын айтып берүүгө мүмкүн эмес: көз көрүп тойбойт, кулак угуп тойбойт. Эмне болгон болсо, ошол гана кайта болот: эмне жасалып келсе, ошол гана кайта дагы жасалат, демек күн астында жаңы эч нерсе жок... Кудай башынан аягына дейре жасап жаткан иштерге адамдын түшүнүгү жетпесе да, ал бардыгын өз мезгили менен мыкты жасап, маңгиликти алардын жүрөгүнө кийирген... Кудайды ардактап тургандары үчүн Ал баарын жасайт.

Якунловчи сўзни ҳам Сулаймон пайғамбарга бериш керак:

«Эмне үчүн өткөн күндөр азыркыдан жакшыраак?» дебе, айткени ал тууралуу сен акылдуулугуңдан сурап жаткан жоксуң.

2. Миллий -диний муаммолар.

Ўн йил мобайнида Фарғона водийсида руй берган ноҳуш миллий, диний зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар ҳаммамизга маълумдир.

Ўшнинг узоқ тарихидан динлараро миллатлараро низони ҳал этиш йўлини топса бўлармикан? Бу борада сабоқлар кўп.

« Жаҳонда ўзини соф, аралашмаган деб даъво қиладиган бирор элат ёки халқ йўқ,- деб ёзади этнограф профессор И.Жабборов,- Чунки ҳар бир этнос узоқ тарихий давр давомида турли элатлар билан алоқада, баъзан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, бошқа этнослар билан аралашиб, уларни ўзига сингдириб ёки таркибий қисм қилиб олиш натижасида шаклланиб келган».

Сулаймон тоғи бу жараённинг аниқ рамзидир. Ҳурматли аллома Заднепровский Ю.А. кашф этганидек, 3000 йил олдин Ўшнинг дастлабки аҳолиси Чуст этно-маданий жамоатига кирган эди. "Қирғиз", "ўзбек", ё "қозоқ" деганлар у ерда турсин, "турк" деган этноним ҳам тилга ҳали олинмаган эди. 3000 йил мобайнида бу муқаддас ва қадимги тоғнинг атрофида минг хил халқлар, элатлар, динлар, уруғлар ва қабилалар " бу менинг ватаним, менинг она-диёрим" деб истиқомат қилган эди. Ҳақиқатдан ҳам, Сулаймон тоғ президент Акаевнинг " Қирғизистон- умумий уйимиз" деган шиорининг моҳиятини бутунлай кўрсатади.

Жабборов И. жиддий огоҳлантириш билан мазкур цитатани давом эттиради: "Афсуски, тарихий маълумотлардан бехабар ёки тор доирадаги манбаларга таянган айрим муаллифлар ўзбек, тожик ва бошқа Ўрта-Осиё халқларини фақат ўз қобиғида пайдо бўлган деган ғайриилмий фикрларни тарғиб қилиб, миллатчилик туйғуларига таъсир қилмоқдалар".[10] Бу огоҳлантиришни назарда тутиш жуда ҳам муҳимдир. Бахта қарши, ҳамма олимлар бундай ўйламайдилар. Масалан, яқинда Ўзбек тарихи ҳақида Азамат Зиёнинг нашрдан чиққан китобининг биринчи боби "Илк давлатчиликнинг асос топиши ва ўзбек давлатчилигининг милоддан аввалги тарихи" деб аталган. Бу мен учун умуман мавҳумдур, чунки Насроний давридан аввал "ўзбек" деган халқ йўқ эди. Яна битта мисолни"Кыргыз туусу" рўзномаси келтиради. Февраль ойида унинг Ўш 3000 тантанаси ҳақида "Ош тарыхы" номли мақола чиқди. Этнограф олимлар орасида қирғиз халқининг шаклланиш жараёни тўғрисида зиддиятли қарашлар мавжуд. Айгул Мурзакматованинг маълумот беришича, айрим тадқиқотчилар таърифлаганларидек, қирғизлар III асрдан кейин, яна айримларининг фикрича, X асрда

Тянь-Шаннинг шарқий этакларида пайдо бўлган. Биз қирғизларнинг қачон Ўшга келганини аниқ билмаймиз, шу туфайли, бу масала ҳам мавҳумлигича қолади.

Агар Тошкенда ҳам, Бишкекда ҳам фаолият кўрсатаётган олимлар Жаббаровнинг огоҳлантиришини тушуна олмасалар, ким тушуна олади? Қирғизистон Халқлар Ассамблеяси Ўш бўлимининг раҳбари проф. Ж.Шериев Фарғона водийсидаги миллат ва давлатлараро низолар ҳақида қуйидагиларни ёзган: "түрк элдеринин тили бир, дини бир, базары бир, мазары бир, урп- адаты менен каада-салтында жалпылык, тетик биримдик бар" ва шунинг учун Ўрта Осиё жамоатини бирлаштириш керак. "Ош, Жалал-Абад, Кызил-Кыя шаарлары, Кара-Суу, Өзгон, Араван, Ноокат, Кадамжай, Баткен, Лейлек, Сузак, Базар-Коргон, Ноокен ж.б. райондорундагы жашоону турмуштун кыймылын Өзбекстандагы шаар, райондорсуз элестетүүго болбойт. Турмуштун бардык тарамдары боюнча бүт Фергана Өрөөнүнүн элдери уйдун түгүндөй ажырагыс биримдикте, алакада экендигин ким жокко чыгара алат? Менимче эч ким!" Бошқаларга қараганда Сулаймон тоғи бағрида яшаган киши бунинг ҳақ эканлигини яхшироқ билади.

ХУЛОСА

Мазкур мақолада Сулаймон тоғининг бугунги аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Албатта, бу мукаммал эмас, чунки тоғнинг мазмуни серқирра: бироқ буни қилмасак илмимиз халқ учун бефойдадир. Рамз сифатида оладиган бўлсак, Сулаймон Тоғи ҳар биримиз учун катта аҳамиятга эгадир. Бу тоғнинг асосий ибрат бўлишига арзийдиган жиҳати кўпмиллатли ва кўпдинли тез ўзгарадиган дунёда толерантли ва тоқатли бўлишдир.

Яқинда Қирғиз Жумҳурият оммавий матбуот воситаларида Ўрта Осиё иттифоқини тузиш ҳақида мунозаралар олиб борилди. Европапарламент, Европа Иттифоқининг яхши таниган Чингиз Айтматов "Биз, Түркестан жамаатчылыгы ХХ1 кылымда биригишибиз керек" деди. Айтматовнинг фикрича, Ўрта Осиё давлатлари ичра бўлинишлар сунъий ва мулоҳазасиз тарзда амалга оширилган бўлиб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилиш, халқлар ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни яратиш керак. Ўшнинг зиёлилари ва алломалари бу жараёнда жуда мазмунли

роль ўйнашлари мумкин. Зеро, Сулаймон тоғининг ўзидай, улар икки тараққиёт чегарасида яшайдилар, икки халқ маданияти, тарихи, эпослари, адабиётлари, тиллари ва руҳларини биладилар. Улар ҳам Алпомишни, ҳам Манасни ўқиганлар, ҳам Жолболду Алибаевни, ҳам Шерали Жўраевни тинглаганлар. Ушбу янги иттифоқнинг пойтахтини на Бишкек, на Тошкент, на Алмати, балки, мана шу гўзал Олтин Водийнинг руҳий юраги, Сулаймон тоғининг басавлат ва серунум этакларида жойлаштирилса, Ўш шаҳрининг муқаддас тоғи ҳамкорлик ва истиқболнинг рамзига айлантирилса бўлармикан? Демак, "Ўш 3000" тантанаси нафақат Ўш шаҳри, Фарғона Водийси, балки бутун Ўрта Осиё учун ижобий намуна бўла олиши мумкин. Бу тарихий имконият йўқолмаслигига умид қиламан.

---

Адабиётлар:


1. Алыбаев Жолболду. "Кыргызым"
2. Забур 120: 1-2
3. Zadneprovskij, U.Aleksandrovich. The Osh Settlement: on the history of Ferghana in the Late Bronze Age. -Bishkek, forthcoming. -p. 60
4. Холматов F, Суянганим тор бўлди. -Ўш,1994. -3-бет.
5. Женижок, 22-б.
6. Ж.Жаныбеков. Кыргыз рухундагы социалдык- философиялык идеялар жана көз караштар (Жеңижок, Ысак, Калык). -Ош,1996. 17-б.
7. Үгүтүнчүн Китеби, 1: 8-9. 3:11,14
8. ibid, 7:10
9. Zadneprovskij, U.Aleksandrovich. The Osh Settlement: on the history of Ferghana in the Late Bronze Age. -Bishkek, forthcoming. P.60
10. Жаббаров, И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1994). 52-б.
11. Зиё, Азамат. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Тошкент: Шарқ, 2000. 25-б.
12. Кыргыз туусу 11(22408),15-17 Февраль 2000
13. Мурзакматова А. Кыргыз этнографиясы. -Нарын, 1997. 25-б.
14. Түркестан конфедерациясын түзсөк. Кыргыз туусу 201-202 (22396-97), 31- декабрь 1999-6 январь 2000
15. Биз түркестан жамаатчылыгы 21-кылымда биригишибиз керек. Кыргыз Туусу 187-88(22383-84), 3-6 Декабрь 1999.